

O'zbekiston Inson Huquqlari "Huquqiy Tayanch" jamoat birlashmasi, Uzbekistan Human Rights "Legal Support" Communite Yassociatn 130000, Jizzax shahri, I.Karimov ko'chasi 136. Tel: (+99890) 643-48-47, (+99894) 623-48-47.
E-mail: HuquqiyTayanch@mail.ru

№22

26.09.2022-йил

«Индорама Агро» ХК МЧЖ Баш
директори Деепак Райнага

Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари «Ҳуқуқий Таянч» Жамоат Бирлашмаси мустақил нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, 2020-йил 9-март куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан №933-сонли Гувоҳнома билан расмий давлат рўйхатидан ўтган расмий ташкилот ҳисобланади. Ташкилотимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонунлар ва қонуности ҳуқуқий-меъёрий хужжатларга таяниб, ўз фаолиятини олиб боради. Ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари Фуқаролик жамияти юксалишига ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишида амалий кўмак беришдан иборат.

Бугунги кунда ташкилотимизга Республикаизинг турли худудларидан (вилоят, туман ва шаҳарлар) жисмоний ва юридик шахслар ўзларининг мавжуд муаммолари юзасидан, хусусан айrim корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда қонуний меҳнат килаётган фуқароларнинг масъуллар томонидан меҳнатга бўлган ҳуқуқлари муттасил бузилаётгани, Қонун хужжатларига риоя қилмаётгани, аксарият ҳолларда фуқароларнинг эркин меҳнат қилишларига турли сунъий тўсиқлар бўлаётгани ҳақида кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

Хозирги кунда ушбу салбий оқибатларни ўз вақтида бартараф қилиш ва келгусида бундай холатлар мазкур корхона фаолиятида юз бермаслик ва олдини олиш мақсадида ташкилотимиз «Индорама Агро» ХК МЧЖнинг (HR Департаменти) Ходимлар бўлими билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиб, хозирда ушбу корхонада ишчи ходимлар билан боғлиқ мавжуд муаммоларни биргаликда (хамжихатликда) ўз вақтида ечимини хал килиб келмоқда. Жумладан ушбу корхонада қонуний меҳнат килаётган ишчи ходимлардан З (уч) нафарини меҳнатга бўлган ҳуқуқлари тикланиб, ўз меҳнат фаолиятини корхонада давом эттиришаётгани тақсинга лойикдир.

Шу боис ўз самимий миннатдорчилигимизни билдириб, Сизга ва жамоангизга мустаҳкам соғлиқ, келгусидаги фаолиятларингизга омад ва қут-барака тилаб мартабаларингизни бунданда зиёда бўлишини сўраб қоламиз деб,

Сизга самимий хурмат билан:

Хусниддин Алибоев

Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари «Ҳуқуқий Таянч»
Жамоат Бирлашмаси аъзоси, Жамоат ҳимоячиси

2-Манзил: Сирдарё вилояти, Гулистан шаҳар,
Тараққиёт МФЙ, Тараққиёт кўчаси 20 - уй.
("Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйи")
Тел: (+99890) 252-68-68.